



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRLIGI
MINISTRY OF HEALTH OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

100011, Toshkent sh., Navoiy ko'chasi, 4, tel.: (998 71) 241-08-95, 241-68-95,
www.ssv.uz, e-mail: info@ssv.uz, ssv@exat.uz

2022 йил "31" октябрь

08-33933 - сон

Қорақалпоғистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирлиги,
Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош
бошқармаси, вилоятлар соғлиқни
сақлаш бошқармалари,
Вазирлик тасарруфидаги тиббиёт
Олий таълим муассасалари ва илмий
ташкилотларга

Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази ва Самарқанд Давлат тиббиёт университети томонидан "Intermed Innovation Trade" МЧЖ билан ҳамкорликда режалаштирилган «Акушерлик ва гинекология амалиётида ултратовуш текширувлари – янги технологиялар, янги фикрлар» ва «Ултратовуш диагностикасида инновациялар: эластография» мавзуларидаги халқаро мутахассислар иштирокида ўқув семинари ўтказиш тўғрисида


КЎРСАТМА ХАТ

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфидаги тиббиёт муассасалари ва ташкилотлари ултратовуш диагностикаси мутахассисларини касбий малакасини ривожлантириш мақсадида:

1. **2022 йилнинг 4-5 ноябр** кунлари Тошкент шаҳри Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказида **«Акушерлик ва гинекология амалиётида ултратовуш текширувлари – янги технологиялар, янги фикрлар»** мавзусидаги халқаро мутахассислар иштирокидаги ўқув семинари ўтказилсин.

2. **2022 йилнинг 5 ноябр** куни Самарқанд шаҳри Самарқанд давлат тиббиёт университетида **«Ултратовуш диагностикасида инновациялар: эластография»** мавзусидаги халқаро мутахассислар иштирокидаги ўқув семинари ўтказилсин.

3. Семинар иштирокчилари ўринлари тақсимои иловага мувофиқ тасдиқлансин.



3. Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази директори (Х. Акилов), Фан ва таълим бошқармаси бошлиғи (У. Исмаилов), Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўлими бошлиғи (С.Убайдуллаева) семинарга пухта тайёргарлик кўрган ҳолда, белгиланган муддатда юқори илмий ва ташкилий савияда ўтказилишини таъминласин.

4. Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази директори (Х.Акилов) ва Самарқанд давлат тиббиёт университети ректори (Д.Ризаев):

- сертификатларни тайёрлаш ва семинар иштирокчиларини ўрнатилган тартибда сертификатлар билан таъминлаш амалга оширилсин;

- семинар ўтказиш билан боғлиқ бўлган барча сарф-харажатлар ҳомийлар ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан қопланиши назарда тутилсин;

- семинар эпидемиологик ҳолатни инобатга олиб, қатъий профилактик чоралар кўрилган ҳолда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 29 июлдаги 205-сон Қарори билан тасдиқланган “Оммавий тадбирларни ўтказиш қоидалари”га мувофиқ ўтказилиши ва семинар ўтказилганлиги тўғрисида ҳисоботни 3 кун муддат ичида Фан ва таълим бошқармасига тақдим этилиши таъминлансин.

5. Тадбир ишини оммавий ахборот воситалари орқали ёритиш Матбуот ва PR хизмати раҳбари Ф. Санаевга юклатилсин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси ва вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари, тиббиёт олий ўқув юртлари ректорлари, илмий-ташкilotлар директорларига иловага мувофиқ семинар ишида қатнашиш учун ўз вакилларини қатнашишини таъминласин.

7. Семинар иштирокчиларининг хизмат сафари билан боғлиқ харажатлари иш жойидан қопланиши назоратга олинсин.

8. Ушбу кўрсатма хат ижросининг назоратини ўз зиммамда қолдираман.

**Вазирнинг
биринчи
ўринбосари**



А.Иноятов